

Бу кунда мусулмонлар жамланиб, жума  
намозини ўқийдилар | Фикҳ дарслари (251-  
дарс)



19:00 / 13.10.2023 1654

هُمَاقِإِلِإِةَءُمُجَلِإِبِوُجُوَلَطِرُش  
،هُيُرُخَلِإَوُ،هُجُصَلِإَوُ،رُصِمِب  
هُمَالَسَوُ،غُؤَلُبَلِإَوُ،هُرُوكُذَلِإَوُ  
أَضْرَفُغَقَتَوُ،لُجُرَلِإَوُ،نُيَغَلِإ  
أَهُدِقِأَفِأَهَالَصُؤِنِإِ

وَأَرْصُمْلَا أِهْيَادَالَطِرُشَو  
رَبُّكَأَغَسَيَالْأَمَوُ. هُوَأَنْف  
أَمَوُ. رُصْمُ، هَلْهَأِ هِدِجْأَسَم  
هِجَلْأَصَمْلْأَدْعُمُ هِبَلْصَّتْأ  
وَأَنْأَطْلُسْلْأَوُ. هُوَأَنْف  
رُهُظْلْأُتُقَوَوُ، هُبِيْأَنْ  
هَحْيِبُسَّتْوَخَنْهُبَطُخْلْأَو  
بِتُقَوْلَايْف

لْأَجْرُهُتَالَتْيَاْهُعَامَجْلْأَو  
ذَعَبْأُورَفَنْنْأَوُ، مَأْمِإِلَايْوَس  
أَدْبُهُلْبَقَوُ، أَهُمَّتْأُهِدُجْس  
هَرُكَّوُ. مَأْعَلْأُنْذِلْأَوُ، رُهُظْلْأَب  
رُودْعَمْلْأُرُهُظْرُصْمْلَايْف

رِيغُ رُهُظُو، عَامَجِبِ هِرِيغُو  
عُغُمُجَلِ لِبَقِ رُوذُعُمُ لَأ  
مَامِإِلِ أُو، عُغُمُجَلِ أِ لَأِ هُيَغَسَو  
ي فِ أَهْكَرُذُمَو. أَهْلَطُبَيِ أَهِي فِ  
دُوجُسِ ي فِ وَأِ، دُهُشَّتِ لَأ  
أَهُمْتُيِ وَهَسُ لَأ

عُغِي بِلِ أُو كَرَتِ لِّ وَأَلِ نِّدَأِ أَذِإِو  
تَمُرِحُ مَامِإِلِ أَجَرَخِ أَذِإِو، أَوَعَسَو  
مْتُيِ يَّتِحِ، مَالِكُلِ أُو ةَالِّصِ لَأ  
مَامِإِلِ أَسَلَجِ أَذِإِو. هَتَبُطُخِ  
أَيْنِ أَثِ نِّدَأِ رَبُّنْمُ لَأ يَلَعِ  
هُوَلَبُقَتُسِ أُو. هِي دَيِ نِّي بِ  
نِي عَمْتُسُمِ

# أُمَّةٌ نُّبِيٍّ بِرَبِّ نَبِيِّ تَبَطُّخُ بُطُخَيْ وَ اتَّمَّتْ إِذِافٍ . أَرْهَاطُ أَمْئِاقُ ةً دَعَقُ سَّانِلِابُ مِإْمِإِلِا يُّلِصَو ، مِيقُأ بِنِي تَعَكَّر

**Жуманинг фарз бўлиши учун мисрда яшаш, соғлик, ҳурлик, эркаклик, балоғатга етганлик, кўз ва оёқнинг саломат бўлиши шарт қилинди. Бу шартларни ўзида мужассам қилмаган одам жума намозини ўқиса, фарзни адо этган бўлади.**

**Жумани адо қилиш учун эса миср ёки унинг чети бўлиши, - «миср» энг катта масжидига ўзининг аҳолиси сиғмайдиган жойдир. «Мисрнинг чети» унга (мисрга) боғланган ва унинг фойдаси учун хизматга тайёрланган жойдир - султон ёки унинг ноиби, пешиннинг вақти, вақтида бир тасбеҳча бўлса ҳам хутба, жамоа, яъни имомдан бошқа уч киши бўлиши ва изни ом шарт қилинди.**

**Агар имомнинг саждасидан кейин жамоа кетиб қолса, унинг ўзи намозни тугатади. Агар саждасидан олдин кетиб қолсалар, имом пешин ўқишни бошлайди.**

**Узрли шахснинг ва бошқаларнинг мисрда пешинни жамоат бўлиб ўқишлари макруҳдир.**

**Шунингдек, узрли бўлмаганларнинг жумадан олдинги пешинлари ҳам макруҳдир.**

**Агар пешинни ўқиган одам жумага ҳаракат қилганда имом жумада турган бўлса, пешини ботил бўлади.**

**Жумани ташаҳҳудда ёки саҳв саждасида топган одам охиригача ўқиб олади.**

**Қачон (муаззин) биринчи азонни айтса, кишилар савдони тарк қиладилар. Қачон имом минбарга чиқса, то у хутбасини тугатгунича намоз ва калом ҳаром бўлади.**

**Қачон имом манбарга ўтирса, унинг олдида иккинчи азон айтилади. Одамлар унга юзланиб, қулоқ осадилар.**

**Имом таҳоратли ва тик турган ҳолида иккита хутба қилади. Иккисининг орасида бир ўтириш бордир. Қачон иккиси тамом бўлса, иқома айтилади ва имом одамлар билан икки ракъат намоз ўқийди.**

«Жума» сўзи арабча сўз бўлиб, «жамлаш» маъносини англатади, чунки бу кунда мусулмонлар жамланиб, жума намозини ўқийдилар. Аллоҳ таоло мусулмонлар учун ҳафталик байрамга айнан шу кунни ихтиёр қилганига бир неча сабаблар бор экан.

***«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.